ЭКЗЕМПЛЯР ШГХК

“Бизнесни бошқариш” (**Master of Business Administration - MBA**)
магистратура мутахассислиги бўйича бошқарув кадрларни тайёрлаш юзасидан
ШАРТНОМА № 1755-2021

«16» 09 2021 йил N1003/015-ИИ от 08.10.2021г Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби кейинги ўринларда Олий мактаб деб аталувчи томон номидан Устав асосида фаолият юритувчи Олий мактаб директори в.в.б **И.Умрзақов**, бир тарафдан, ва “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ номидан Устав
(юридик шахснинг номланиши) (устав)
асосида иш юритувчи Асланов Шухрат Юриевич - Бош директор кейинги
( Ф.И.Ш. ва лавозими )
ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи иккинчи тарафдан, ҳамда Мавлонов Акром
(Ф.И.Ш.)
Эргашевич – АВ 1214638 23-09.2015 й Косон тумани ИИБ
(паспорт серияси ва рақами, берилган санаси ва ким томонидан берилган)
кейинги ўринларда “Тингловчи” деб аталувчи учинчи томондан, келгусида биргаликда “Тарафлар”, алоҳида “Тараф” деб аталувчилар, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” Бизнес бошқаруви соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва тадбиркорлик соҳасини самарали бошқариш вазифаларини замонавий талаблар даражасида ҳал этиш қобилиятига эга бўлган бошқарув кадрларни халқаро талаб ва дастурлардан келиб чиққан ҳолда “Тингловчи”ни 70411302 - “Бизнесни бошқариш” (Master of Business Administration – MBA) мутахассислиги бўйича тайёрлаш учун икки йиллик таълим дастури бўйича магистратурада ўқитиш, “Буюртмачи” эса кўрсатиладиган мазкур таълим хизматлари учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

## II. ТАЪЛИМ ШАРТЛАРИ

2.1. 70411302 - “Бизнесни бошқариш” (Master of Business Administration – MBA) мутахассислиги (кейинги ўринларда-Магистратура мутахассислиги) бўйича ўқитиш “Ижрочи”нинг ҳудудида амалга оширилади.

2.2. Магистратура мутахассислигига ўқитиш таълимининг сиртқи (кундузги/сиртқи) шакли бўйича тўрт босқичда амалга оширилиб, ўқишнинг давомийлиги икки ўқув йилини ёки 4 (тўрт) семестрни ташкил этади, яъни шартнома тузилган йил, 2021 йилнинг “16” 09 дан 2023 йилнинг “12” 06 га қадар.

2.3. “Тингловчи” магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган тақдирда, унга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат берилади.

2.4. “Тингловчи” ўқишни тўлиқ якунламасдан Олий мактаб тингловчилари сафидан чиқарилган тақдирда унга белгиланган шаклдаги академик маълумотнома берилади.

## III. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **“Ижрочи”нинг мажбуриятлари:**

3.1.1. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган таълим хизматларининг 2021/2022 ўқув йили учун белгиланган тўловларни “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин Олий мактабда шартнома тузилган 2021 йилнинг “16” 09 дан 2022 йилнинг “27” 06 га қадар ўқитиш;

3.1.2. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган таълим хизматларининг 2022/2023 ўқув йили учун белгиланган тўловларни “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин Олий мактабда шартнома тузилган 2022 йилнинг “02” 09 дан 2023 йилнинг “12” 06 га қадар ўқитиш;

3.1.3. “Тингловчи” учун Олий мактабнинг Уставида белгиланган меъёрлар, магистратура мутахассислигининг тасдиқланган малака талаблари ўқув-режа ва асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

3.1.4. “Тингловчи” учун Олий мактаб Уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратиш;

3.1.5. Тасдиқланган Ўқув-режа асосида “Тингловчи”нинг илмий амалиётини (стажировка) ташкил этиш (хорижий ҳамкорлар ҳамда Олий мактабдан бошқа давлат идораларида ташкил этиладиган ҳолларда, харажатлар мазкур ташкилотлар ва Олий мактаб ўртасида тузилган келишувлар, битимлар, шартномалар доирасида уларда ўрнатилган тартибда “Буюртмачи” ва/ёки “Тингловчи” томонидан алоҳида қопланиши белгиланиши мумкин);

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО “ШГХК”

3.1.6. Олий мактабни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга “магистр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат бериш;

3.1.7. “Буюртмачи”нинг талабига кўра унга “Тингловчи”нинг таълим жараёнини ўзлаштириши юзасидан ва бошқа маълумотларни бериш.

3.2. **“Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:**

3.2.1. Мустақил равишда таълим жараёнини амалга ошириш, баҳолаш тизимини танлаш, “Тингловчи”ни оралиқ баҳолаш тартиби, шакли ва муддатларини танлаш, унга нисбатан Олий мактаб Уставида назарда тутилган ва локал (идоравий) меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган рағбатлантириш ва интизомий таъсир чораларини қўллаш;

3.2.2. “Буюртмачи” ва (ёки) “Тингловчи” томонидан мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиш;

3.2.3. “Тингловчи”ни Олий мактаб Устави талабларини, ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув фан(лар)идан юзага келган академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган, бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган “Тингловчи”ни ушбу фандан четлаштириб, якуний назоратга киритмаслик (музкур ҳолатда тинловчи фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади). Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган “Тингловчи” академик қарздор ҳисобланади. Академик қарздор “Тингловчи” таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.2.4. “Тингловчи”ни курсдан курсга ўтказиш унинг GPA ((**Grade Point Average**) – таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати) қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Олий мактаб талабаларни курсдан курсга ўтказишда GPA кўрсаткичини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга. Бунда GPA кўрсаткичи 2,4 — 3,0 оралиғида бўлиши талаб этилади. GPA ўтиш баллини тўплай олмаган “Тингловчи” қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги мавжуд бўлса “Тингловчи” ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан курсга қолган “Тингловчи” фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати магистратура учун 1- курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 4 йилгача деб белгиланади.

3.3. **“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.3.1. Шартноманинг I ва II бўлимларида кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бориш *(кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган номзодни ўқишга қабул қилиш тўғрисида Олий мактаб буйруғи “Тингловчи” томонидан шартноманинг 4.2.1.-бандида 2021-2022 ўқув йили учун белгиланган тўловнинг, белгиланган миқдорида ва муддатда тўлиқ амалга оширилганидан сўнг, шунингдек тингловчининг кейинги босқичга ўтгани тўғрисида Олий мактаб директори буйруғи “Тингловчи” томонидан 2022-2023 ўқув йили учун белгиланган тўловнинг шартноманинг 4.2.2.-бандида белгиланган миқдорида ва муддатда амалга оширилганидан сўнг чиқарилади)*;

3.3.2. “Тингловчи” ўқишга қайта тикланганида ва унинг ўқиши давомида “Ижрочи”нинг талабига кўра қонунчиликда ва “Ижрочи”нинг идоравий ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳужжатларни, шу жумладан таълим тўғрисидаги ҳужжатларини ўз вақтида тақдим қилиш, бунда ушбу ҳужжатлар таълим тўғрисидаги ҳужжатларининг шакли (бланка) ва мазмунига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

3.3.3. “Ижрочи”нинг илмий-педагогик, техник, маъмурий-хўжалик, ёрдамчи ва бошқа тоифа ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

3.3.4. Мазкур шартномани бир томонлама бажаришдан бош тортган тақдирда “Ижрочи” томонидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни қоплаш, яъни ўқув жараёни графигига мувофиқ семестрда ўтказилиши белгиланган таълим ойларига мутаносиб равишда тўловларни амалга ошириш;

3.4. **“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.4.1. “Ижрочи”дан хизматлар кўрсатилишининг ташкил этилгани ва уларнинг лозим даражада бажарилиши масалалари бўйича маълумотлар олиш;

3.5. **“Тингловчи”нинг мажбуриятлари:**

3.5.1. Олий мактаб томонидан ўрнатилган ички меҳнат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидалари, Олий мактаб ҳудудига кириш-чиқиш ва ҳудудда бўлиш тартибини белгиловчи, ёнғин хавфсизлиги ҳамда меҳнат хавфсизлиги, шунингдек, бошқа ички идоравий меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган талабларни бажариш (ушбу шартноманинг “Тингловчи” томонидан имзоланиши унинг мазкур бандда назарда тутилган барча ҳужжатлар билан таниш эканлигини ва уларнинг шартларига риоя этишга розилик билдиришини англатади);

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО “ШГХК”

3.5.3. Ўқув жараёнлари онлайн шаклда ташкил этилганда онлайн дарсларда бевосита иштирок этиши;

3.5.4. Дарсларни ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида ўзлаштириб бориш;

3.5.5.Ўқиш бошланиши белгиланган муддатда ўқишга етиб келиш;

3.5.6. Ўқиш давомида педагог ходимларнинг қонуний талабларини бажариш;

3.5.7.Илмий амалиётини (стажировка) "Олий мактаб" томонидан белгиланган ташкилотларда ўташ;

3.5.8. "Олий мактаб"нинг мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

3.5.9. "Олий мактаб"нинг илмий-педагогик, техник, маъмурий-хўжалик, ёрдамчи ва бошқа тоифа ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

3.6. "**Тингловчи"нинг ҳуқуқлари:**

3.6.1. "Ижрочи"нинг ходимларига Олий мактабдаги таълим жараёнига доир масалалар бўйича мурожаат қилиш;

3.6.2. Ўзининг билим, кўникма ва тажрибасига қўйилган баҳолар ва баҳолаш мезонлари тўғрисида "Ижрочи"дан аниқ ва тўлиқ маълумотларни олиш;

3.6.3. Дарс жадвалида назара тутилган дарслар давомида, шунингдек таълим жараёнини амалга ошириш учун зарур ҳолларда "Ижрочи"нинг мулкидан фойдаланиш;

3.6.4. Мазкур шартнома доирасида таълим хизматлари кўрсатилган даврда "Ижрочи"нинг Ахборот ресурслари маркази ва илмий кутубхонаси хизматларидан фойдаланиш;

3.7. "Тингловчи" Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Олий мактаб Устави ва бошқа идоравий ҳужжатларга кўра бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

## IV. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. "Буюртмачи"нинг Олий мактаб билан шартнома тузилган 2021/2022 ва 2022/2023 ўқув йиллари учун белгиланган магистратура мутахассислигининг икки босқичида ўқитиш учун шартнома суммаси жами **39 500 000** (*Ўттиз тўққиз миллион беш юз минг* ) сўмни, яъни:

4.1.1. 2021-2022 ўқув йили учун **19 750 000** *(Ўн тўққиз миллион етти юз эллик минг)* сўмни ҳамда;

4.1.2. 2022-2023 ўқув йили учун **19 750 000** *(Ўн тўққиз миллион етти юз эллик минг)* сўмни ташкил этади.

4.2. "Буюртмачи" томонидан мазкур шартнома бўйича тўловлар қуйидаги муддатларда олдиндан тўлиқ (100 фоиз) "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилиши лозим:

4.2.1. Шартноманинг 4.1.1.-бандида 2021-2022 ўқув йилининг I-семетири учун тўлов кантрактининг биринчи ярмини **9 875 000** (*Тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш минг*) сўмни **2021 йилнинг 10 октябригача**, ҳамда 2021-2022 ўқув йилининг II-семетири учун тўлов кантрактининг иккинчи ярмини **9 875 000** (*Тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш минг*) сўмни **2022 йилнинг 10 мартигача** тўлашлари шарт;

4.2.2. Шартноманинг 4.1.2.-бандида 2022-2023 ўқув йилининг III-семетири учун тўлов кантрактининг биринчи ярмини **9 875 000** (*Тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш минг*) сўмни **2022 йилнинг 10 октябригача**, ҳамда 2022-2023 ўқув йилининг IV-семетири учун тўлов кантрактининг иккинчи ярмини **9 875 000** (*Тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш минг*) сўмни **2023 йилнинг 10 мартигача** тўлашлари шарт;

4.3. "Буюртмачи" томонидан мазкур шартнома бўйича иккала ўқув йиллари учун тўловлар бир йўла олдиндан амалга оширилиши мумкин.

4.4. "Буюртмачи" ва "Тингловчи" шуни инобатга олиши лозимки, Олий мактаб томонидан 2021-2022 ўқув йили учун тўлов миқдорига ўзгартиришлар киритилса, "Буюртмачи" ва "Тингловчи" Олий мактаб томонидан ҳисоб-фактура тақдим қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) банк кунида қўшимча тўловларни амалга ошириши шарт. "Буюртмачи" ва "Тингловчи" мазкур шартноманинг 4.1. ҳамда 4.2.-бандларида белгиланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, "Тингловчи" Олий мактабнинг тингловчилари сафидан чиқарилади.

4.5. "Тингловчи" қуйидаги сабабларга кўра Олий мактаб тингловчилари сафидан чиқарилганда Олий мактаб томонидан унинг тегишли ўқув йили учун амалга оширилган тўлови қайтариб берилмайди:

- ўқитиш учун шартномада белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли.

4.6. Истисно тариқасида "Тингловчи" қуйидаги сабабларга кўра Олий мактаб тингловчилари сафидан чиқарилганда Олий мактаб томонидан унинг ўқиган муддати учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар чегирилган ҳолда тегишли ўқув йили ёки семестри учун олдиндан амалга оширилган тўловнинг қолган қисми шартноманинг тегишли тарафи (қонуний вакили ёки бошқа ишонган шахси) ёзма мурожаатига кўра қайтариб берилади:

а) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

б) суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО "ШГХК"

в) вафот этганлиги сабаблиги.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартномада назарда тутилган ва/ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилинган ҳолларни истисно қилинганда, томонлар мажбуриятини тўла бажармагунга қадар амал қилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг ўзаро келишуви асосида оддий ёзма шаклда Тарафлар ўртасида қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади. Енгиб бўлмас куч таъсирида юзага келган ҳолатлар бўйича эса тегишли давлат органининг ёки суднинг қарорига кўра шартномага ўзгартириш киритилиши мумкин.

6.2. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

а) томонларнинг ўзаро келишуви асосида;

б) тингловчи Олий мактаб тингловчилари сафидан чиқарилганда;

в) томонлардан бири шартнома шартларини лозим даражада ёки бутунлай бажармаганда;

г) амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

6.3. Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан ҳар учала Тарафлардан бири чиқиши мумкин. Бунда шундай ташаббус билан чиққан Тараф қолган иккала Тарафларга шартномани бекор қилиш истагини билдирган санадан камида 15 (ўн беш) иш куни олдин ёзма равишда хабардор қилиши ҳамда бошқа Тарафларнинг асосли рад жавоб(лар)ини олган ҳоллардан ташқари, шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда келишув расмийлаштириши шарт.

6.4. Шартноманинг 4.2.-бандида назарда тутилган тўлов муддатлари ўтганидан кейин 30 календарь кун мобайнида “Ижрочи”нинг ҳисоб-рақамига тўлов пуллари келиб тушмаган тақдирда, шартнома “Ижрочи” томонидан бир томонлама бекор қилинади ва ушбу ҳолатда “Буюртмачи” “Ижрочи”га ушбу даврда “Ижрочи” томонидан ҳақиқатда амалга оширилган, аммо ҳақи тўланмаган хизматлар учун харажатларни қоплаб бериши, яъни ўқув жараёни графигига мувофиқ семестрда ўтказилиши белгиланган таълим ойларига мутаносиб равишда тўловларни амалга ошириши (шу жумладан, таълимни мазкур тингловчининг ўқишини инобатга олган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб бериши) шарт.

## VII. ФОРС МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконяти бўлмаган холатлар (енгиб бўлмас куч) окибатида мажбурятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ёки лозим даражада бажармагалик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди. Ваколатли орган томонидан берилган махсус хужжат енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишнинг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли хужжатдир.

7.2. Ўз мажбурятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбурятларини бажаришга таъсири хакида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч узлуксиз амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эхтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартноманинг тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Тарафлар мазкур шартномага ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва амалдаги бошқа тегишли қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келадиган барча ноаниқликлар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасида ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.3. Тарафлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ушбу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида “Ижрочи” жойлашган манзилдаги тегишли судда кўрилади.

## IX. БОШҚА ҲОЛАТЛАР

9.1. Мазкур шартномада қайд этилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан амалга оширилади.

9.2. Таълим хизматлари учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

9.3. Тўловлар “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО “ШГХК”

9.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, Тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

9.5. Мазкур шартнома имзолангунга қадар “Буюртмачи” ва “Тингловчи”га кўрсатиладиган таълим хизматлари бўйича барча зарур маълумотлар тақдим қилинган.

9.6. Барча сўровлар, хабарлар ва бошқа ёзишмалар, шунингдек тўловлар мазкур шартномада кўрсатилган манзиллар ва реквизитлар бўйича амалга оширилади. Агар Тарафларнинг манзиллари, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, улар бу ҳақда шартноманинг бошқа Тарафларини 7 календарь кунидан кечиктирмасдан хабардор қилишлари шарт. Бундай хабарнома олинмаган ёки юборилмаган тақдирда, эски манзил бўйича юборилган ёзишмалар ва бошқа ҳаракатлар ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри амалга оширилган деб ҳисобланади.

9.7. Ушбу шартномага доир тузиладиган барча қўшимча келишувлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан тенг юридик кучга эга ҳисобланиб, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради.

9.8. “Буюртмачи”нинг молиявий имкониятига кўра ёки “Тингловчи”нинг ўқиши учун тўловларни амалга ошириш бўйича “Буюртмачи” ва “Тингловчи” ўртасида ўзаро келишувга келинган тақдирда ёҳуд бошқа ҳолларда (“Тингловчи” бошқа ишга ўтган, “Буюртмачи”нинг ходими бўлмай қолган ва ҳоказо), “Тингловчи” “Ижрочи” томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари учун тўловларни ушбу шартноманинг 4.1. ва 4.2.-бандларида белгиланган шартлар ва муддатларда ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга ошириши мумкин.

Бунда тўловларнинг “Тингловчи” томонидан амалга оширилиши тўғрисида “Буюртмачи” ва “Тингловчи” ўртасида ёзма равишда **учта асл нусхада** келишув тузилади ва ушбу келишувнинг бир асл нусхаси келишув тузилган санадан кейин уч календарь кунидан кечиктирмасдан “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га (жўнатманинг манзилга етказилганлиги тўғрисидаги қайднома олиш шарти билан буюртма почта орқали) юборилади. Бундай хабарноманинг “Ижрочи”га тақдим қилинмаслиги ёки бошқа ҳар қандай сабабларга кўра етиб келмаганлиги ҳолати “Ижрочи”га шартнома бўйича юзага келадиган тўлов мажбуриятлари ва жавобгарлик масаласида “Буюртмачи”га мурожаат қилиш ва ундан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

9.9. Мазкур шартноманинг 9.8.-бандига мувофиқ “Буюртмачи” ва “Тингловчи” ўртасида тузилган келишувнинг бир асл нусхаси “Ижрочи”га ушбу шартномада ўрнатилган тартиб ва муддатларда тақдим қилинганлиги ҳолати “Тингловчи” “Буюртмачи”нинг мазкур шартнома бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олганлиги ва улар юзасидан мустақил равишда даъвогар ҳамда жавобгар бўлишини англатади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| ИЖРОЧИ | БУЮРТМАЧИ | ТИНГЛОВЧИ |
|---|---|---|
| **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби** | “Шуртан газ кимё мажмуаси, МЧЖ” | Мавлонов Акром Эргашевич |
| Манзил: Тошкент ш, куч.Миробод 25<br>х/р: 23402000300100001010<br>МБ ХККМ Тошкент шаҳар<br>ш/хр: **400910860262737094100140001**<br>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ғазначилиги<br>МФО: 00014, ғазначилик СТИР: 201122919 Стир: 307758823<br>Тел:71 239-03-14, 71 239-03-05 | Қашқадарё вилояти Гузор т/н Шуртан қ-ни<br>х/р: 20210000104039001001<br>Миллий банк Қарши ф/ли<br>МФО: 00150<br>ИНН: 203185074<br>ОКЭД: 35... | Паспорт серия рақами АВ 1214638<br>Косон тумани ИИБ<br>Қачон ва ким томондан берилгани: 23-09-2015й<br>Доимий рўйхатда турган манзили:<br>ИНН: 494584970 |
| Директор в.в.б. И.Умрзақов<br>*М.Ў.* | *М.Ў.* ...Эсанов | Мавлонов А.Э. |

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО “ШГХК”

ўқув сеҳркади: ...